SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 29-IYUL ■ SESHANBA ■ 88 (27.108) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

ИСТИҚЛОЛ АЙЁМИ — БУТУН ХАЛҚИМИЗНИНГ БАЙРАМИ

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик куни тобора яқинлашмоқда. Мамлакатимизда ушбу муборак санани бунёдкорлик ишларини рўёбга чиқариш, юрт ободлиги ва халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган эзгу юмушларни адо этиш билан муносиб кутиб олиш хайрли анъанага айланган.

Истиқлолимизнинг 12 йиллик тўйи тантаналарини кўтаринки руҳда кутиб олишда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижаси ўлароқ, барча соҳаларда эришаётган улкан ютуқларимиз, айниқса, муҳим омил бўлмоқда.

Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил биринчи ярми якунларига бағишлаб ўтказилган мажлисида таъкидлаганидек, ўтган даврда республикамизда кўплаб ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди. Барқарор иқтисодий ривожланиш давом этаётир. Макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик мустаҳкамланмоқда.

Мамлакатимизда иқтисодий жабҳалар билан бирга ижтимоий соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратиляпти. Олис ва шонли тарихимизни, неча минг йиллик миллий қадриятларимизни, буюк аждодларимизнинг муборак номлари ва улуғ меросларини эъзозлаш, тиклаш ва абадийлаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фуқароларимиз ўртасида маънавий-маърифий тарбияни кучайтириш, улар онгу шуурига Мустақилликни қадрлаш ва асраб-авайлаш, Ватанга меҳр-муҳаббат ва садоқат туйғуларини сингдириш, шунингдек, кишиларимиз ҳуқуқий тафаккурини юксалтириш доимий эътиборда.

Ёш авлодни соғлом ва эркин фикрли, кенг тафаккурли, баркамол, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган инсон этиб вояга етказишдек хайрли иш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Буларнинг барчаси, шак-шубҳасиз, олий мақсадимиз — эл-юртимизнинг турмуши, ҳаёти ва фаровонлигини тараққий топган демократик мамлакатлар даражасига кўтаришга қаратилган. Бу йўлда эришган ютуқларимиз эса ана шу буюк мақсад сари дадил одимлаётганимизнинг далолатидир.

3-бет

Ватан ҳимояси — олий шараф

ҚАСАМЁД — АСКАРНИНГ ДИЛ СЎЗИ

Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида бошланган ҳарбий ислоҳотлар бугунга келиб ўзининг самарали натижаларини бермоқда. Истиқлолимиз туфайли юзага келган миллий армиямиз сифат жиҳатидан пухта ва тезкор Қуролли Кучлар даражасига кўтарилмоқда. Умумий ҳарбий мажбуриятни адо этишнинг турли шакллари ишлаб чиқилди ва амалда жорий этилмоқда. Сафарбарлик чақируви резервида ҳарбий хизматни ўташ ҳам ана шундай саъй-ҳаракатларнинг натижаси ҳисобланади.

Бу хизмат турида йигитлар ҳарбийга чақирилиб, бир ой давомида лаёқати ва интилишига кўра у ёки бу жанговар ихтисосликни эгаллайди.

Ўтган куни Шарқий ҳарбий округда сафарбарлик чақируви резервида ҳарбий хизматни бошлаган дастлабки аскар йигитлар учун унутилмас бўлиб қолди. Поп тумани марказий майдонида саф тортган, бир ойлик ҳарбий машқларда чиниққан йигитлар тантанали ҳарбий қасамёд қабул қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири ва меҳмонлар ҳузурида ҳарбий қасамёд қабул қилган Ватанимиз ҳимоячиларининг дадиллиги ҳаммани ҳаяжонга солди.

— Бундан бир ой муқаддам биз бутунлай бошқача эдик, — дейди қасамёддан кейин Наманган туманидан хизматга келган Бобуржон Асқаров. — Назаримда, шу қисқа вақтда кўп нарсани билиб олдик. Яратилган шарт-шароит ва офицерлар маҳорати туфайли биз ҳарбий ишнинг сир-асрорларини, қурол билан «муомала» қилишни ўргандик. Ҳаётим давомида бу кунларни асло унутмасам керак.

Ота-оналарнинг хурсандчилиги, айниқса, чексиз. Жигарбанди бир ойгина муддатда шу даражада улғайиб, бугун ҳарбий гувоҳнома билан қадрдон оиласига қайтишидан боши осмонда. Янгиқўрғон туманидан ташриф буюрган Турдихон Тошматованинг кулиб турган чеҳрасидан севинч ёшлари думалайди. Саволларимизга бажонидил жавоб қайтаради.

— Якка-ёлғизим Абдураҳимни бир йилга қандоқ хизматга жўнатаман, деб ўйлардим. Илоҳим умрлари узоқ бўлсин, Президентимиз худди бизни ўйлагандек ҳарбийнинг бир ойлигини жорий этдилар. Жон деб, шартнома билан хизматга кузатдим. Маълум бўлдики, жуда тўғри қилибмиз. Болам яна бағримда бўлади.

Ойлик ҳарбий йиғин якунига бағишланган маросимда аскарларни республика мудофаа вазири Қодир Ғуломов, Наманган вилоят ҳокими, Олий Мажлис депутати Тўлқин Жабборов, ҳарбийлар, фахрийлар ва ота-оналар табрикладилар. Шунингдек, махсус хизмат вакиллари бўлган аскарларнинг ва ҳарбий оркестрнинг кўргазмали чиқишлари бўлди.

Президентимиз Ислом Каримов Фарғона водийси бўйлаб сафари пайтида Шарқий ҳарбий округнинг сержантлар тайёрлаш мактабида бўлган чоғларида мустақиллик йилларида юртимизда янги, ҳажман ихчам, айни чоғда замонавий қуролланган, мамлакат сарҳадларини ҳимоя қилишга ҳамиша қодир Қуролли Кучларни барпо этиш йўлида амалга оширилаётган залворли ишлар ҳақида тўхталган эдилар.

Мамлакатда биринчи марта сафарбарлик чақируви резерви хизматининг ойлик ҳарбий йиғини, дарҳақиқат, Қуролли Кучларимиз таркибида ислоҳотлар жадал бораётганини амалда кўрсатди.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

❖❖❖

Суратларда: қасамёд қабул қилиш тадбиридан лавҳалар.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар

ТОМОРҚА. ДЕҲҚОН. ФЕРМЕР — КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС...

МАМЛАКАТИМИЗ БЎЙЛАБ ТОБОРА САНОАТЛАШИБ БОРАЁТГАН БУ ТИЗИМ ДАСТЛАБ ШАХСИЙ ЁРДАМЧИ ВА ТОМОРҚА ХЎЖАЛИКЛАРИ НЕГИЗИДА ВУЖУДГА КЕЛГАНДИ

«...Одамларга ер берилиши чинакам инқилобий аҳамият касб этди — бу билан ҳар бир индивиднинг давлатга қарамлиги тугатилди. Ер олган одам даромад ола бошлади, ўзини хўжайин деб, эркин ва мустақил ҳис қилди...»

Ислом КАРИМОВ

Президентимизнинг ҳали 90-йиллар бошидаёқ аҳоли томорқаларини кўпайтириш борасидаги фармони бугунги кунда иқтисодимиз таянчи бўлиб қолаётган деҳқон ва фермер хўжаликлари вужудга келишининг ҳамда бозорларимизни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан тўлдиришнинг бошланиши бўлганди.

«...Вилоятларда ер заҳирасининг миқдоридан келиб чиқиб, ҳар бир қишлоқ оиласига 0,25 гектаргача томорқа ери берилсин...»

фармоннинг мазмун-мундарижаси шундай эди. Хўш, ўшанда нима учун бундай фармон чиқарилди?

ГУРУНГНИ ЭСЛАБ...

Юқоридаги саволга жавоб излаб, дастлаб 1997 йилнинг куз ойларида бир мақолани тайёрлаш жараёнида Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини мезанизациялаштириш институтининг профессори Анорбой Султонов ва шу институт доценти Учқун Ниғматжонов билан бўлган гурунгни эсладим.

— Тажриба шуни кўрсатдики, — деган эди ўшанда суҳбатдошларим, — 80-йиллардан кейин ўнлаб жамоа ва давлат хўжаликлари мева-сабзавотчиликка ихтисослаштирилгани билан улар харидорлар гавжум бўлган жойлардан, хусусан, шаҳарлардан ўзларининг дўконларини очишга шошилмадилар. Чунки, улар маҳсулотни режа асосида сотиш учун давлатдан топшириқ олишарди. Режалаштирилган маҳсулот эса биринчидан, «марказ» — Россияга жўнатилса, иккинчидан шаҳар савдо ташкилотларига топшириларди. Маҳсулот баҳосини ҳам давлат белгилаб берарди. Натижада режадан ортиқ маҳсулот деярли бўлмаганлиги сабабли баъзи бир хўжаликлар шаҳар бозорларидан дўкон очганлари билан унинг пештахталари доим бўш турарди... Негаки, барча турдаги маҳсулотлар жамоа хўжаликларида етиштириларди. Уларда ер ҳам, мулк ҳам, ҳосил ҳам, даромад ҳам ҳамманики бўлиб, тайинли эгаси йўқ эди. Қисқа қилиб айтганда, деҳқон ёки чорвадор ўз меҳнатидан тўла манфаатдор эмасди.

— Нега энди манфаатдор эмас? Олишади-ку, йил охирида, — сўрагандим ўшанда.

— Олишади, тўғри, — аниқроқ тушунтиришга киришди улар. — Олинган даромад уни фақат ишлаб топган чинакам деҳқонга эмас, балки хўжалик раиси, иқтисодчиси, бухгалтери ва бошқа мутахассислари иштирокида жамоадаги барча одамларга тақсимлаб берилади. Қолаверса, иш ҳақи фонди аниқланишдан аввал давлат солиқлари ва банк фоизи тўланади, хўжаликни ривожлантириш фонди ажратилади, умумишлаб чиқариш ва турли хил харажатлар қопланади... Ана шундан ортиб қолган даромадгина ишловчиларга тақсимланади.

— Энди-чи! Энди қандай бўлади? — сўрайман яна.

— Энди томорқа еридан олинган ҳосил бутунлай деҳқон ихтиёрида бўлади, манфаатдорлик ошади. Шунинг учун ҳам у томорқасини энди кўз қорачиғидай авайлайди, унумдорлигини ошириб боради, ҳар қарич ерни ҳисобда тутади...

2-бет

Газетада босилмади, аммо...

ҚУРИЛИШ ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ

«Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти вилоят ҳокимлигига йўллаган Сариосиё туман марказий спорт мажмуасининг аянчли аҳволи тўғрисидаги «Фотоайбнома» ўрганиб чиқилди ва қуйидагиларни маълум қиламиз.

Текшириш жараёнида Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 17 январдаги «Ўзбекистон футболини ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги 27-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Сариосиё туманининг «Шахтёр» чорраҳаси ҳудудида туман марказий спорт мажмуасининг қурилиши тумандаги корхона, ташкилот ва хўжаликлар ҳомийликлари ҳисобидан амалга оширилганлиги аниқланди.

Жорий йилнинг июнь ойида «Гидропроект» очиқ акциядорлик жамиятининг мутахассислари таклиф этилиб, мазкур мажмуани барпо этиш юзасидан берган хулосасига кўра, қурилиш меъёрлари ва қоидалари асосида қайта тиклаш мумкинлиги маълум бўлди.

Ушбу мажмуа 8-9 балли ер силкинишига бардош бериши лозим бўлган ҳудудда жойлашган. Қурилиш меъёрлари ва қоидаларига асосан спорт мажмуаси учун ҳар хил конструкциялар ишлатилганда антисейсмик шоу бўлиши зарурлиги, аммо бу тугалланмаган мажмуада антисейсмик шоу мавжуд эмаслиги, шунингдек, бинонинг каркас қисмида ишлатилган темир-бетон конструкциялари чорвачилик комплексларига мўлжалланганлиги сабабли ушбу объектни лойиҳа асосида қайта қуриш лозимлиги аниқланди.

«Гидропроект» очиқ акциядорлик жамияти томонидан қурилиши тугалланмаган туман марказий спорт мажмуасининг лойиҳаси туман ҳокимлигига тақдим этилгандан сўнг, лойиҳа асосида бунёдкорлик ишлари давом эттирилади.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 октябрдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш бўйича Сариосиё туманида «Тўполангсувомбори ва ГЭС қурилиши» бошқармаси томонидан «Ҳуфар» қишлоқ фуқаролар йиғини «Наврўз» маҳалласи ҳудудида болалар спорти мажмуаси барпо этилмоқда. Ушбу болалар спорти мажмуаси Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилиши мўлжалланган. Шунингдек, бугунги кунда туманда спорт билан шуғулланиш учун 22 та баскетбол, 65 та волейбол, 15 та қўл тўпи, 1 та теннис корти ва 25 та футбол майдончаси болалар ва ёшлар ихтиёрига бериб қўйилган.

Сурхондарё вилоят ҳокимининг ўринбосари Х. РАМАЗАНОВ.»

ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ:

ЯНА БИР ҚЎШ ҚАНОТЛИ КОРХОНА

«Тошкентсут» очиқ ҳиссадорлик жамияти эндиликда Россиянинг ВИММ-БИЛЛЬ-ДАНН компанияси билан ўзаро ҳамкорликда ишлайди. Кеча бу ерда ана шу ҳамкорликнинг бошланишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди

Тадбирни «Ўзгўштсутсаноат» уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Алишер Тошкенбоев очди. Шундан сўнг уюшма раиси Маҳмуджон Холов тадбир иштирокчиларига ВИММ-БИЛЛЬ-ДАНН компанияси ҳақида қисқача маълумот берди.

— Компания, — деди раис, — 1992 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг таркибида бугунги кунда 20 дан ортиқ корхона ишлаб турибди. «Тошкентсут» ҳиссадорлик жамияти эса йигирма биринчи корхона бўлади. Биз бу ҳамкорликка шу йилнинг февраль ойидан бошлаб киришгандик. Бугунгача барча ҳисоб-китоблар ва расмий ҳужжатларни аниқлаштириб олдик. Аниқроқ айтадиган бўлсам, биз ўз акцияларимизнинг 60 фоизини ҳамкорларга бериб, 40 фоизини ўзимизда қолдираяпмиз. Негаки, бугунги кунда корхонанинг каттагина миқдорда қарзи бор. Ҳамкорларимиз бу қарзни тўлиғича тўлаб, 60 фоиз акцияни сотиб олишади. Корхонанинг кунлик қуввати келажакда 200 тоннага чиқиши мўлжалланмоқда. Бу ўзбекистонликларни сифатли, тўйимли, экологик тоза ва арзон сут маҳсулотлари ҳамда шарбатли ичимликлар билан таъминлаш имконини беради. У 2005 йилга қадар тўла қувват билан ишлаши мўлжалланган. Насиб этса, Мустақилликнинг 12 йиллигига корхона ўзининг илк маҳсулотларини чиқаради.



ВИММ-БИЛЛЬ-ДАНН компаниясининг Марказий Осиё бўйича Бош директори Владимир Польторак 40 дан ортиқ шаҳарларда компания фаолият кўрсатаётганлиги ва Россия ҳамда МДҲ мамлакатларининг ўзидаёқ 26 та йирик филиаллари борлигини айтди.

Сўзга чиққан акциядорлик жамияти раиси Акбар Эргашев жамоанинг ишлаб чиқариш таркибида юз бераётган бундай ўзгаришлардан сўнг ишчиларнинг меҳнат шароити яхшиланиши, моддий манфаатдорлиги ошиши, энг муҳими, жамоа эндиликда зарар кўриб эмас, фойда олиб ишлайдиган ишлаб чиқаришга айланишини аниқ рақамларда ҳикоя қилди. Қолаверса, корхонада меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларнинг сони ҳозирги 250 нафардан 700 нафар кишига ошишини айтиб ўтди. Тўла қувват билан ишга тушгач эса уларнинг сони 1100 кишига етади. Биринчи босқичда компания корхонага 7 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя ажратади. Кейинчалик эса яна 8 миллион доллар берилиши кўзда тутилган. Биргина таъмир ишлари учун 1 миллион 100 минг доллар ажратилиши белгиланган.

Тадбир сўнгида сўзга чиққан корхона бош технологи Дилора Раҳмонова, катта уста Ғалина Исаева ва бошқалар ВИММ-БИЛЛЬ-ДАНН компанияси билан ҳамкорлик мамлакатимизда пайдо бўлаётган қўшқанотли корхоналар яна биттага кўпаяётганлигини мамнуният билан қайд этиб, унинг истиқболига катта умид билдирдилар.

Замон АЛИ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ

ГАЗЕТА ҲОМИЙЛИГИДА

Юнусобод тумани, Юнусобод мавзесидаги «Ўзбекистон мустақиллиги» маҳалласида болалар спорт-соғломлаштириш мажмуини қуришни «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти оталиққа олди

Маҳалладаги 0,5 гектар ер қарийб йигирма йилдан буён ташландиқ ҳолда ётарди. Унинг бир четида ҳашар йўли билан маҳалла чойхонаси, маҳалла қўмитаси идораси, новвойхона қурилди. Қолган жой қаровсизлигича қолаверди. Бу орада ҳар хил мишмишлар тарқалди: милиция таянч пункти қурилармиш, болалар боғчаси бўлармиш, масжид қурилармиш... Лекин ҳеч нарса қурилмади. Маҳаллада соғлом фикрли, фидоий инсонлар эса шу ерда болалар учун ўйин майдончалари қурсак деб орзу қилишарди. Бу ишларга маблағ керак эди, албатта. Маҳаллада эса бу имконият йўқ.

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш масаласи кун тартибига қўйилгач, юртбошимиз баркамол авлодни тарбиялаш, миллат саломатлигини мустаҳкамлашда бу масаланинг аҳамияти ва моҳияти ҳақида куюниб гапиргач, маҳалла оқсоқоллари эътиборни яна бўш ётган майдонга қаратишди. Ушбу маҳалла оқсоқоли Эркин ака Худойберганов газетамизнинг мухлиси, ижодий ҳамкорлик қилиб туради. У киши яқинда таҳририятимизга келганда ўша муаммо — болалар спорт майдончаси қурилиши, маблағ ҳақида гапириб қолди. Худди шу кунлари таҳририятимизда бирорта маҳаллада болалар спорт майдончаси қурилишини оталиққа олиш бўйича маслаҳатлашиб юргандик.

Маҳалла билан оталиқ масаласини келишиб олгач, Юнусобод тумани ҳокимлигига таклифимизни қўллаб-қувватлашини сўраб хат ёздик. Яқинда туман ҳокимлиги таҳририятимиз мурожаатини кўриб чиқиб, қарор қабул қилди. Унда жумладан шундай дейилган: **«...Ўзбекистон мустақиллиги» маҳалласи ҳудудидаги... 0,5 гектарли ер майдонида спорт-соғломлаштириш мажмуасини қуришга рухсат берилсин ва «Ўзбекистон овози» газетаси муҳарририяти ҳомий этиб тайинлансин...»**

Туман раҳбарияти ва мутахассислар иштирокида маҳалладаги бўш майдон кўриб чиқилди. Оддий спорт майдончаси эмас, спорт-соғломлаштириш мажмуини қуришга қарор қилинди. Бу ерда волейбол, баскетбол, мини-футбол майдончалари, узунликка ва баландликка сакраш сектори, стол тенниси майдончаси, тренажёрлар майдончасини қуриш режалаштирилди. Келгуси йилдан эса майдоннинг бир четида болалар учун бассейн қуриш ҳам кўзда тутилган.

Ҳозир спорт-соғломлаштириш мажмуи лойиҳасини тайёрлашга киришилди. Бугун-эрта майдонни текислаш ишлари бошланади. Спорт жиҳозларини сотиб олиш ва тренажёрларни тайёрлашга буюртмалар берилмоқда.

Болалар спорт-соғломлаштириш мажмуини мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
BANK XALQ BANKI

BUSINESS BANK
БИЗНЕС БАНК
ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

ТОМОРҚА. ДЕҲҚОН. ФЕРМЕР — КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС...

МАМЛАКАТИМИЗ БЎЙЛАБ ТОБОРА САНОАТЛАШИБ БОРАЁТГАН БУ ТИЗИМ ДАСТЛАБ ШАХСИЙ ЁРДАМЧИ ВА ТОМОРҚА ХЎЖАЛИКЛАРИ НЕГИЗИДА ВУЖУДГА КЕЛГАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ЎН УЧ ЙИЛ МУҚАДДАМ

Дарвоқе, заминимиз — Аллоҳ назари тушган ажойиб маскан. Унинг тупроғига чўп тиқсанг кўкаради. Аждодларимиз бу ерларда етиштирилган ноз-неъматларни ўзга элларга ҳам улашиб келганига тарихда кўп мисоллар бор. Юзлаб, минглаб пудлар билан ўлчанган ҳосил хирмонлари томорқалардан олинган. «Томорқа — рўзғорга барака», «Томорқа — бозорнинг файзи», «Томорқа — юрт тўкинчилиги» деган сўзларни улардан кўп бор эшитганмиз...

Боя суҳбатдошларим ҳикоя қилганидек, шўро тузуми даврида ҳақиқатан ҳам аҳвол зимдан ҳийла бошқача эди: «Сен марказга фақат пахта бер, қолган эҳтиёжингни биз берамиз» деган сиёсат (аниқроғи, тазйиқ!) деҳқон мадорини қуритганди. Ғалла, сабзавот, полиз, озуқа пайкаллари, боғ-роғлар, узумзорлар, қўйингчи, бориб-бориб 0,2-0,4 сотих томорқаларгача ўз ўрнини пахтага бўшатиб берганди. Ҳар қарич ер Москов назоратида эди. Ғўза пайкали билан катта канал ёки йўл оралиғида чигит қадалмай қолган (сув бориши ёки трактор ҳайдовига ноўнғай) 0,1-0,2 сотихли ерга «жўжабирдай жон рўзғори» деб у-бу нарса эккан одамлар душман саналган пайтлар бўлди. Бир қарич ерни деб ака ука билан, ота бола билан келишолмай қолган ҳолларни кўрганмиз.

Биласизми, ўшанда (80-йиллар охири) республикамиз миллий даромади собиқ иттифоқ миқёсидаги ўртача кўрсаткичдан 2 марта паст эди. Қашшоқликнинг доимий йўлдоши — демографик портлаш вазияти юзага келганди. Аҳвол нотинч ва беқарор эди.

1989 йилнинг айни ёзида Президент Ислом Каримов илк бор мамлакатимиз раҳбари сифатида иш бошлади ва республика жамоатчилиги олдига: **«аҳволни қандай қилиб ўнглаш, ҳукуматдан кўнгли совиб бораётган, эртанги кунга ишончи йўқолаётган халқнинг бунёдкорлик ғайратини қандай уйғотиш мумкин?»** — деган саволни қўйди. Кўп ўтмай Ўзбекистонда гўё еру кўк бўйлаб бир хитоб янгради: **...Ҳар бир оилага йигирма беш сотихгача томорқа берилсин!**

Одамлар аввалига дафъатан бу гапга «А, ё нотўғри эшитдикми?» — дея ишонқирамай, чўчиброқ туришди. Айниқса, миясига олдинги 70 йиллик сиёсат кўрғошиндек ўрнашиб қолган хўжалик ва туман раҳбарларининг буниси-унисига, униси-бунисига қараб, ўз-ўзидан ҳадиксирашларини айтмайсиз-ми? «Йўғ-е, қандай қилиб? ...вақтинчалик сиёсат бўлса керак...» дегувчилар бўлди.

Бироқ, буларнинг ҳаммаси ўринсиз шубҳалар эди.

Ислоҳот изчил давом этди. Юртбошимизнинг **«Деҳқонларга молиявий ёрдам кўрсатиш ва улар уюшмасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тўғрисида»**ги Фармони чиқди. Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилди. Давлат шахсий хўжаликларни ривожлантиришга катта миқдорда маблағ ажратди. Бундай кунларни асрлар оша энтикиб кутиб юрган деҳқон бирдан қалқиб оёққа турди: кетмони, белкураги ва ўроғини олиб далага отланди: ер — ўзиники, мулк — ўзиники, даромад — ўзиники: «А-ҳайй, келар экан-а, шундай кунлар ҳам!» — ҳайқирди у.

ИСЛОҲОТ «ТЕЗЛИК» ОЛГАНДИ

Ўша йилнинг 15 августида колхозчи, ишчи ва хизматчиларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ривожлантириш тўғрисида яна бир ҳужжат қабул қилинди. Унга кўра, бир ой ўтмай мамлакатда 60 мингдан кўпроқ оила томорқали бўлди. Одамлар уй-жой қуриши ва чорва моллари харид қилишлари учун (ўша пайтдаги ҳисобда) 243 миллион рубль ажратилди. Йил охирига келиб 150 минг гектар суғориладиган ер 1 миллион 253 минг оилага бўлиб берилди. 21 минг бош бузоқ, 312,5 минг бош қўй-қўзи, 10,4 миллион товуқ (парранда) қишлоқ аҳлининг хусусий мулки бўлиб қолди.

Йил ўтмай бозорлар тўла бошлади. Халқнинг турмуш тарзи ўзгариб, тўй-томошалар ҳавасига тушиб қолди. Эртанги кунга ишончи ортди... 1989 йил бошида жами томорқа ерлар (иморатлар банд қилган жойлар билан) 257 минг гектарни ташкил қилган бўлса, 1997 йил бошида бу кўрсаткич 599,7 минг гектарга етди.

1999 йилнинг 11 январида, шахсий ёрдамчи хўжаликларни янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар белгиланди: яна 1 миллион 221 минг 477 оилага суғориладиган экин майдонларидан 137 минг 246 гектар ер томорқа сифатида ажратилди. **Кейинчалик ана шу шахсий ёрдамчи ва томорқа хўжаликлари негизида деҳқон ва фермер хўжаликлари вужудга келди.**

Улар солиққа имтиёзли тартибда тортиладиган бўлди. Маҳсулотларини хорижга чиқариш учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Хўжалик аъзоларини меҳнат стажи, нафақа ва пенсия билан таъминлаш юзасидан тегишли тартиб-қоидалар жорий этилди...

РЕСПУБЛИКА ДЕҲҚОН ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ УЮШМАСИ МАЪЛУМОТИДАН:

● Шахсий томорқа эгалари негизида ташкил топган деҳқон хўжаликлари мақоми 1998 йилда «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонун билан мустаҳкамланди.

● Бугун республикамизда 4,35 миллиондан ортиқ шахсий томорқа хўжаликлари мавжуд. Уларга 570 минг гектар ер майдони бириктириб берилган.

● Шахсий томорқа хўжаликларининг 2.024 миллионтаси деҳқон хўжалиги сифатида қайта рўйхатдан ўтди. Шулардан 24 мингтаси юридик шахс мақомини олиб, фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ер майдони 4646 гектарни ташкил этади.

● Шахсий томорқа хўжаликларига бириктирилган ер майдонлари 2003 йилнинг олти ойлик якунларига кўра 570 минг гектарни (1985 йилда 125,8 минг гектар эди!) ташкил этмоқда. Бу — суғориладиган майдонларнинг қарийб 14 фоизи, демакдир.

● 2002 йилда республика қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулотнинг 64 фоизи деҳқон хўжаликларида тайёрланди. Жумладан:

— ишлаб чиқарилган картошканинг — 91 фоизи, полиз маҳсулотларининг — 87, сабзавотнинг — 94, чорвачилик маҳсулотларининг — 91 (шундан гўштнинг — 96, сутнинг — 95) фоизи деҳқон хўжаликлари улушидир;

— жами экин майдонларининг 11,3 фоизи: картошканнинг — 87, сабзавотнинг — 71, полиз экинларининг — 72 фоизи ҳам улар тасарруфида.

● Деҳқон хўжаликлари ишлаб чиқаришда ширкат ва фермер хўжаликларига нисбатан 1-2 баробар юқори натижаларга эришмоқда.

● Юридик шахс мақомини олган деҳқон хўжалиги аъзолари меҳнат стажига (нафақани расмийлаштириш учун) эга бўлиш, юридик шахслар билан шартномавий муносабатлар ўрнатиш, дастлабки икки йил солиқ тўловларидан озод бўлиш ва кредит ресурсларидан кенг миқёсда фойдаланиш сингари ҳуқуқлар ҳамда имкониятларга эга бўлди.

ИЗЛАНИШ, ИЗЛАНИШ ВА ЯНА ИЗЛАНИШ...

Сўз — уюшма раиси Соҳибжон ҚОБИЛОВга:

— Шахсий томорқа эгалари негизида ташкил топган деҳқон хўжаликлари ўтган давр ичида ўсди, улғайди ва такомиллашди. Иқтисодий ислоҳотлар чуқурлашган сайин у фермер хўжаликлари, кичик ва ўрта бизнес корхоналари сингари турли хил мулкчилик шаклларига айлана бошлади ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида тобора муҳим ўрин эгаллаб бормоқда. Президентимиз таъбири билан айтганда, келажакда бу тизим мамлакатимиз иқтисодиётининг таянч тармоғи бўлиб қолиши, шаксиз.

Уюшмамиз бу йўлда тинимсиз изланмоқда. Масалан, яқинда фермер хўжаликларини янада ривожлантиришга доир концепция ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди. Унда қишлоқда бозор инфратузилмасини такомиллаштириш йўлида хизмат кўрсатувчи, тайёрлов ва таъминот ташкилотларининг хизматларидан нафақат фермер хўжаликлари, балки деҳқон хўжаликлари ҳам кенг миқёсда фойдаланишлари кўзда тутилган.

Хўжаликларни минтақамиз ҳудудларига мослаштирилган сабзавот ва полиз экинларининг ҳосилдор, касалликларга чидамли навлари билан таъминлаш концепцияда асосий ўрин эгаллайди. Шунингдек, минерал ўғитларни маҳаллий шароитдан келиб чиқиб олиш тавсиялари ишлаб чиқилди ва бу борадаги илғор тажрибаларни алмашишга бағишланган илмий-амалий семинарлар ўтказиш тартиблари белгиланди.

Қолаверса, бундай семинарларни биз аллақачон бошлаб ҳам юбордик. Шу йилнинг 8 май куни уюшмамизнинг Андижон вакиллиги ҳамкорлигида ўтган «Томорқалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш — деҳқон хўжаликлари фаолиятини ривожлантиришнинг асосий омили» мавзуидаги амалий семинарда 330 дан ортиқ киши фаол иштирок этди. Улар орасида вазирликлар ва Андижон вилояти ҳокимлиги раҳбарлари, Россия Федерацияси сабзавот етиштириш илмий тадқиқот институти ва Американинг «Прагма» корпорацияси мутахассислари, Германиянинг Тараққиёт хизмати, АҚШнинг «Кичик тадбиркорликни ривожлантириш ташкилоти — ACDIYOCA» ҳамда Халқаро «ИКАРДО» уюшмаси вакиллари бор эди. Кейинчалик бундай анжуманни Самарқандда ҳам ўтказдик.

Энг муҳими, булар бизнинг иш фаолиятимиз самарадорлигига катта амалий кўмак бермоқда. Масалан, шу кунларда Андижонда мамлакатимиз шароитига мослаштирилган турли хил сабзавот уруғлари навларини марказлашган ҳолда олиб келиш, етиштириш ва истеъмолчиларга етказиш жараёнлари йўлга қўйилди. Наманган ва Фарғонада аксарият деҳқон хўжаликлари касалликларга чидамли ҳосилдор экин навларининг сифатли уруғлари билан таъминланди. Республикада тайёрланган маҳсулотларни хорижга марказлаштирилган ҳолда экспорт қилиш ташкил этилди.

Булар деҳқон ва фермер хўжаликлари эришаётган дастлабки ютуқлар. Бироқ ҳали фаолиятимизда ечимини кутиб турган муаммолар ҳам йўқ эмас. Уларни бартараф этиш йўлида кўрилиши керак бўлган чоралар ва амалга оширилиши зарур, қилиниши шарт бўлган ишларимиз кўлами концепцияда ўзининг муфассал ифодасини топган.

Бир сўз билан айтганда, уюшмамиз жамоаси ишининг мазмуни: изланиш, изланиш ва яна изланиш!

ОДДИЙ АРИФМЕТИКА...

Диққатингизни мана бу саналар ва ҳужжатларга ҳам қаратинг: 1997 йил 27 январда Вазирлар Маҳкамасидаги йиғилишда ва ўша йилнинг 14 февралида халқ депутатлари Фарғона вилоят сессиясида Юртбошимиз томорқа масаласига алоҳида тўхталиб, оилаларга бериладиган томорқа майдонини кўпайтириш кераклигини айтиб, унинг моҳиятини кенг очиб берди. Шундан сўнг кўп ўтмай томорқа хўжаликларини янада ривожлантириш йўлида, ўз томорқаларидан юқори ҳосил олиб, йилига 2-3 марта экин экиб, юқори самарага эришаётган деҳқонларга яна қўшимча 0,10 гектаргача суғориладиган майдонлардан ер ажратиб бериш, пировардида, томорқа ҳажмини 0,35 гектаргача кўпайтириш ҳақида Вазирлар Маҳкамасининг қарори чиқди.

Қарордан кўзда тутилган мақсад — томорқа ерларини кўпайтириш орқали — **биринчидан, ғалла мустақиллигига эришишни тезлаштириш, иккинчидан, қишлоқларда бекор юрган ёшларни иш билан таъминлашга эришиш, учинчидан, бозорларни мева-сабзавотлар билан барқарор тўлдириш шароитини яратиш эди.**

Мана, оддий бир арифметик мисол: дейлик, бир оилада 10 киши яшайди. Улар бир йилда камида бир тонна буғдой истеъмол қилиши турган гап. Оилага берилган 0,35 гектар ернинг ярмига яхши навли буғдойдан экиб, яхши ишлов берганлар бемалол 1,5-2 тонна ҳосил йиғиб олиши аниқ. Ернинг қолган қисмига мева-сабзавот ва бошқа экинлар ҳамда мол учун ем-хашак экиб, оила учун йил давомида зарур ҳамма маҳсулотларни ўзлари етиштириши ҳам тайин. Тадбиркорроқ деҳқонлар нафақат оиласи учун, бозор учун ҳам маҳсулот ишлаб чиқаради. Кейинги йиллар тажрибаси шуни кўрсатдики, суғориладиган ерларда деҳқончилик қилган кўпгина оилалар ўз томорқаларига кузги буғдой экиб, гектар бошига 4-5 тоннадан сара дон олишди. Ғалла ўрими тугаши билан бўшаган ерга карам, картошка, сабзи, пиёз, бодринг, маккажўхори каби экинлар экилиб, мўл ҳосил кўтаришди.

Томорқа хўжаликларининг катта миқёсда ривожланиши республикада озиқ-овқат балансини яхшилабгина қолмасдан, ўзининг мақсади ва моҳияти жиҳатдан деҳқон-фермер хўжаликлари сингари ўзига хос ривожланиш йўлига ўтиб олди ва товар маҳсулотлари ишлаб чиқаришга киришди. Қолаверса, шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг ер майдонлари кўпайиши ва уларнинг товар хўжаликларига айланиб бориши — деҳқонларни бозор механизмлари сирларини ўрганишга ўргатди, иқтисодий фикрлашга, тадбиркорликни чуқур эгаллашга чорлади. Бу эса уларда охир-оқибат ерга эгалик ва мулкдорлик ҳиссиётларини янада кучайтирди.

Боз устига, барча шаклдаги деҳқон ва фермер хўжаликларига республикамиз тижорат банклари ҳам кўмакка келди. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 4 мартдаги **«Фермерларни, хусусий тадбиркорларни ҳамда кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори бу борада муҳим қадам бўлди. Биргина 2002 йилнинг ўзида кичик ва ўрта бизнес субъектларига ажратилган 36,9 миллиард сўм миқдордаги микрокредитларнинг 53 фоизи деҳқон ва фермер хўжаликларига берилди.

ИСТИҚБОЛНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Юртбошимизнинг **«Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»**ги (2003 йил 24 март) Фармони деҳқон ва фермер хўжаликлари истиқболининг янги устувор йўналишларини белгилаб берди. Чунончи, эндиликда, яъни иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган ширкат хўжаликлари негизида ҳам фермер хўжаликлари ташкил этиш белгилаб қўйилди. Бугунги кунда республикамиз вилоятларида 161 та ширкат хўжалиги тугатилиб, улар ўрнида 9 мингдан ортиқ фермер хўжалиги ташкил этилди. Меҳнатобод, Мирзаобод, Ёзёвон, Ромитан ва Амударё туманларининг барча ширкат хўжаликлари ёппасига фермер хўжаликларига айлантирилди. Шу йил охирига бориб яна 178 та ширкат хўжалиги негизида 11 мингдан ортиқ фермер хўжалиги фаолият кўрсата бошлайди.



Шу кунларда уларга жойларнинг ўзида сервис хизмати кўрсатиш мақсадида муқобил МТП — машина-трактор парклари, СФУ — сувдан фойдаланувчилар уюшмалари, минибанклар, ёнилғи-мойлаш материаллари ва минерал ўғитлар сотиш шахобчалари очилмоқда. Фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи СФУлар 2 йил мобайнида қўшимча қиймат, фойда ва ер солиқлари тўлашдан озод қилинди. Бу ҳам уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш йўлида кўрилаётган муҳим чорадир. Қолаверса, ана шу уюшмалар ва муқобил машина-трактор парклари таъсисчилари эндиликда фермер хўжаликларининг ўзлари ҳисобланади.

Келажакда фермер хўжаликларининг ривожланиши ва эркин фаолият юритишлари учун яна бир қатор имкониятлар яратиш кўзда тутилаяпти. Жумладан, уларга ерларни танлов асосида 50 йилгача ижара муддати давомида мерос қолдириш ҳуқуқи билан берилиши режалаштирилган. Бунда фермер хўжалиги мулки унинг хусусий мулкига айланиб, у шу мулк ва шу меҳнати билан яратилган маҳсулотни ўзи эркин тасарруф этадиган бўлади. Айни пайтда фермер ўзи етиштирадиган маҳсулот ҳажмини ўзи белгилашни, уни сотиш бўйича шартномалар тузишни ва ҳамкорлар танлашни ҳам ўзи мустақил ҳал қилади.

Демак, деҳқон ва фермер хўжаликлари юртимизда тобора чинакам ризқ-неъмат манбаига айланади. Табиатига азалдан миришкорлик сингиган ўзбек деҳқони XXI асрда ўз ери, ўз мулки майдонида мўъжизалар яратишга киришди. XX асрнинг 90-йиллари бошида шахсий ёрдамчи ва томорқа хўжаликлари негизида таркиб топган деҳқон ва фермер хўжаликлари мамлакатимизда тинчлик, осойишталик ва фаровонликнинг барқарор омилларидан бири сифатида тан олиниб, халқимиз, миллатимиз, аниқроқ айтганда, Шарқнинг эъзозли қадриятлари яна ўз ўрнига қўйилаётганидан ёрқин далолат.

ХОТИМА

Ҳа, Мустақиллик йиллари республикамизда бозор муносабатларига ўтиш даврининг беш тамойилидан бири — **ДАВЛАТ БОШ ИСЛОҲОТЧИ** эканлигидан келиб чиқиб, дастлаб томорқа муаммоси муваффақиятли ечим топди. Унинг давлат ва ҳуқуқий кафолатлари таъминланди. Меҳнат кишиси эъзоз топиб, унга ғамхўрлик даражаси оширилди. Одамлар онгида меҳнатга, ерга, жамиятга муносабат ўзгарди. Уларнинг эркин меҳнат қилишлари учун муносиб муҳит яратилди. Бошида томорқа, кейинчалик деҳқон, фермер хўжаликлари ва кичик ҳамда ўрта бизнес деган тушунчалар заминида қишлоққа саноатнинг кириб бориши тезлашди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган ва енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар кўпайди. Кечаги деҳқон ёки фермер энди саноат ишчиси бўлиб олаяпти, хизмат кўрсатиш соҳаларига ўтаяпти... Бу дегани — мамлакат иқтисодиётида **ғалла, нефть, газ, энергетика** сингари асосий иқтисодий мустақилликлар сингари энди **деҳқон ва фермер хўжаликлари мустақиллигига** ҳам эришаяпмиз. Буни ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Партия ташкилотлари фаолиятини такомиллаштирайлик

Партия ташкилотларининг фаолиятини кун талабларидан келиб чиқиб такомиллаштириш асосида Марказий Кенгаш V пленуми қарорларининг ижросини таъминлаш, Ўзбекистон ХДПнинг сиёсий-ижтимоий жараёнларга таъсирини кучайтириш ва унинг аҳоли ўртасидаги нуфузини ошириш вазифалари **Қашқадарё вилоят партия ташкилотларида** бўлиб ўтаётган ўқув семинарларида кўриб чиқилмоқда. Миришкор, Касби, Қарши, Муборак ва Косон туман партия кенгашларида ўтказилган дастлабки семинарларда барча жабҳаларда кечаётган ислоҳотларда жойлардаги партия тузилмалари иштирокини фаоллаштириш, партия депутатлик гуруҳлари фаолиятини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Йиғилганлар эътибори МК пленуми қарорларини бажаришдаги ютуқ ва камчиликларга қаратилиб, партия кенгашлари ва бошланғич ташкилотлари фаолиятини яхшилаш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ўқув семинарларида Миришкор туман ҳокими Х. Соатов ва унинг ўринбосари Э. Хамроев, Қарши туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш. Султонов ҳамда Муборак, Касби, Косон туман ҳокимлари ўринбосарлари Б. Пўлатова, В. Сатторов, И. Очиловлар иштирок этдилар.

Бошланғич партия ташкилотларининг Марказий Кенгаш бешинчи пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалари **Ўзбекистон ХДП Бухоро туман кенгашининг** пенумида кўриб чиқилди. Бу ҳақда туман партия ташкилоти биринчи котиби С.Жўраеванинг маърузаси тингланди. Муҳокамада «Ўрта Осиё» ш.х. ҳудудий бошланғич партия ташкилотлари кенгаши котиби С.Кенжаев, Н.Ашуров номли маҳалла қўмитаси раиси Ҳ.Асадов, «Ногиронлар» жамияти туман бўлими бошлиғи Султон ҳожи Очилов, туман ҳокимлиги масъул ходими Б.Қурбонов ва бошқа фаоллар иштирок этдилар. Пленумда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сирдарё туман автомобиль йўллари корхонаси бошланғич партия ташкилотида МК V пленуми қарорларининг ижроси ва Гулистон шаҳрида ўтказилган минтақавий семинар якунларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда қатнашган халқ депутатлари туман Кенгашига партиядан сайланган М.Аҳмедов, Т.Бобожонов ва бошқа иштирокчилар партия ташкилотлари олдида турган муҳим вазифалар ҳақида фикр алмашдилар. Йиғилиш сўнггида тегишли қарор қабул қилиниб, амалга ошириладиган ишлар белгилаб олинди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 29 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	644,87	1 Польша злотийси	254,42
1 Англия фунт стерлинги	1577,10	1 СДР	1366,02
1 Дания кронаси	150,45	1000 Туркия лираси	0,69
1 БАА дирхами	265,31	1 Швейцария франки	722,65
1 АҚШ доллари	974,42	1 ЕВРО	1117,85
1 Миср фунти	159,09	10 Жанубий Корея вони	8,26
1 Исландия кронаси	12,72	10 Япония иенаси	81,80
1 Канада доллари	704,62	1 Россия рубли	32,14
1 Хитой юани	117,72	1 Украина гривнаси	182,76
1 Малайзия рингити	256,46		

*** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

«БЕСТЕКС»: БИРИНЧИ НАВБАТ НИҲОЯСИГА ЕТДИ



Фарғонадаги «Бестекс» Ўзбекистон — Германия — Туркия қўшма корхонаси масъулияти чекланган жамият шаклида ташкил топаётган истиқболи порлоқ заводлардан бири. Вилоятнинг Бешариқ шаҳрида қурилаётган мазкур корхонанинг биринчи навбати қурилишида бунёдкорлик ишлари охирлаб қолди. Пахта титиш ва саралаш цехларида сўнгги пардозлаш юмушлари бажарилди. Ҳозир бу ерда тароқлаш машиналари қурилмалари ҳам монтаж қилинаётир. Хориждан келган мутахассислар кўмагида маҳаллий ишчи-хизматчилар цехларга пашмапеш дастгоҳлар ўрнатишаяпти. Монтаж ишларида 120 нафар ишчи-хизматчи, шунингдек, Германия, Туркия ва Ҳиндистондан келган тажрибали мутахассислар иштирок этмоқда.

Умумий майдони 16667 квадрат метрни ташкил этган бу қўшма корхона ишга тушгач, йилига 7500 тонна пахта толасини қайта ишлаш имкони туғилади. Ишлаб чиқарилган калава-ипнинг 80 фоизи хорижга экспорт қилинади.



Суратларда: германиялик мутахассис Ауси Свен (ўртада) маҳаллий ёш ишчилар Ойбек Жўраев ва Хислат Турсуновлар билан; хорижлик мутахассис Вели Абажи; корхонанинг реконструкция қилинган биноларидан бири.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар

ИСТИҚЛОЛ АЙЁМИ — БУТУН ХАЛҚИМИЗНИНГ БАЙРАМИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бундай ҳаётбахш ўзгаришлар Истиқлол шарофати туфайлидир. Шундай экан, халқимиз орзиқиб кутадиган кун — Мустақиллик байрами муносабати билан бу йил ҳам юртимизда кенг миқёсли тантана ва тадбирлар ташкил этилаётгани бежиз эмас.

Айтиш жоизки, асосий эътибор мамлакатимиз бош майдонида бўлиб ўтадиган катта байрам тантаналарини тайёрлаш ва ўтказишга йўналтирилган. Истиқлолимизнинг 12 йиллиги ҳар галгидан ҳам жозибали, шукуҳли, бетакрор ўтиши учун бу ерда барча ташкилий, қурилиш-монтаж ишлари, шунингдек, бадиий-саҳна томошалари тайёргарлиги авжида.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллиги байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган кенгайтирилган мажлисида ана шулар ҳақида фикр юритилди.

Ҳар галгидек Президентимиз томонидан комиссия аъзоларига Мустақиллик байрамини ўтказиш борасида берилган аниқ топшириқлар асосида республика миқёсидаги чора-тадбирлар дастури қабул қилинди. Тадбирлар «Бу байрам барчамизники, бутун халқимизникидир!» шиори остида ўтказилиши таъкидланди.

Бу йилги асосий байрам тантаналарида истиқлол йилларида эришган ютуқларимизни, миллий ғоя, ватанпарварлик, фидойиликни мадҳ этувчи, Обод маҳалла йилида амалга оширилаётган эзгу ишлар, бунёдкор ёшлар ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги бадиий дастурлар намойиш этилади. Байрам баҳона санъатимизнинг янги қирралари намоён бўлади, янгиянги истеъдодлар кашф этилади. Замонавий куй-қўшиқлар, жозибали рақслар, ранг-баранг томошалар яратилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида байрам тантаналари ҳамда халқ сайилларини ўтказиш учун қизғин ҳозирлик бормоқда.

Байрам арафасида анъанавий «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали бўлиб ўтади. Анъанавий «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқ байрамининг якуний концерти ҳамда «Ниҳол» мукофотига сазовор бўлган истеъдодли ижрочиларни тақдирлаш маросими ўтказилади.

Истиқлол байрами тадориги доирасидаги ташкилий-амалий, маънавий-маърифий ва илмий-ижодий тадбирлар Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллиги, шунингдек, Нукус шаҳрининг 70 йиллиги юбилейларига тайёргарлик ишлари билан ҳам узвий боғлиқликда олиб борилади.

Мустақиллик даврида Ўзбекистон тасвирий санъат усталари томонидан яратилган энг сара асарлар жамланиб, альбом шаклида чоп этилади. Таниқли ва ёш иқтидорли рассомлар, халқ амалий санъати усталарининг турли кўргазма ва танловлари, фотокўргазмалар ташкил этилади.

Байрам муносабати билан янги ҳужжатли ва видеофильмлар, спектаклар, китоблар яратилади. Янги кутубхоналар очилади.

Таниқли ёзувчилар, шоирлар, журналистлар, олимлар, санъаткорлар, маънавий-маърифий тарғибот соҳаси ходимларининг қишлоқ меҳнаткашлари, ишчи-хизматчилар, ёш авлод вакиллари билан мулоқотлари бўлиб ўтади. Жаҳон ва олимпия чемпионлари, халқаро кўрик-танловлар ғолиблари, Президент стипендияси ва давлат мукофотлари соҳиблари билан ҳам жойларда учрашувлар ўтказиш мўлжалланган.

«Обод маҳалла йили» дастури вазифалари ижросига қаратилган кўрик-танловлар, спорт мусобақалари, ободонлаштириш ойлиги, умумхалқ хайрия ҳашари ташкил этилади. Байрам арафасида қуриб битказилган, қайта таъмирдан чиқадиган болалар спорти иншоотларининг тантанали очилиш маросимлари бўлади.

Қутлуғ айём олдидан қариялар ва ногиронлар, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари йўқланади, қаровчиси йўқ кексалар, кам таъминланган кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатилади.

Бундай кенг кўламли тадбирларни ўтказишдан мақсад мустақиллик ва унинг қадр-қимматини, бу сана Ватанимиз тарихида, жамиятимиз ҳаётида, халқимизнинг тақдири ва келажагида нақадар буюк аҳамиятга эга эканини, келгуси авлодларнинг мустақил давлат, ҳур ва озод мамлакат тариқасида бутун дунё, аввало, демократик ҳамжамият билан биргаликда яшашига катта асос ва мустаҳкам пойдевор қўйганини кишиларимизга муносиб тарзда етказишдан иборатдир.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов сўзга чиқди.

Мажлисда Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдурахмонов иштирок этди.

(ЎзА)

Ҳуқуқий ислоҳот

ЭРКИНЛАШТИРИШ: ҚОНУН ВА ҚАДРИЯТЛАР УЙҒУНЛИГИ

Жаҳондаги тараққий этган мамлакатлар тажрибаси шундан далолат берадики, бир мустабид тузумдан демократик жамиятга, ўта марказлашган маъмурий-буйруқбозлик тизимидан эркин иқтисодиётга ўтиш, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ислоҳотларни амалга ошириш ҳеч қачон осон кечмаган. Тараққиётнинг айни шу босқичида қонун устуворлигини таъминлаш муваффақиятлар гарови экани барчага маълум. Қонун олдида барчанинг баробарлиги, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот тантанаси демократик давлатнинг негизи ҳисобланади.

Биз шўролар замонида битта қилмиш учун бир неча турдаги жазолар қўлланганига ёки инсон манфаатлари давлат манфаатлари олдида назарписанд қилинмаганига кўп гувоҳ бўлганмиз. Хусусан, мансабдор, шахслар томонидан етказилган арзимас моддий зиён учун одамларнинг молмулкини мусодара этишдек ғайриинсоний қоидаларга амал қилинди. Бу сингари амаллар туб моҳияти билан инсоннинг маънан эзиш, руҳан камситишга қаратилган эди.

Бугун мамлакатимизда мустақиллик шарофати билан суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш йўлида жиддий қадамлар ташланди. Айни пайтда ана шу ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида чора-тадбирлар амалга оширилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бу жараёнда, асосан, жиноий жазоларни либераллаштириш кўзда тутилган.

Жиноий жазоларни либераллаштириш сиёсатининг туб мақсадини халқимиз аниқ-тиниқ тушуниб етмоғи лозим. Содда қилиб айтганда, жиноятчи албатта тегишли жазосини олмоғи керак. Бироқ ҳамма гап бу жазо меъёри қандай бўлиши ва у нималарга асосланиб белгиланишидадир. Модомики, қонунга хилоф иш қилган шахс жазоланиши муқаррарлигини англаб етмаса унга бериладиган жазонинг енгил-оғирлигидан жамият учун наф йўқ. Қолаверса, биз ҳуқуқий-демократик жамият қураётган эканмиз ҳамиша инсон ҳақ-ҳуқуқларини назарда тутиб иш кўрмоғимиз даркорки, суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштиришда ана шу мақсадлар назарда тутилади.

Соҳада ислоҳотларни кенг қамровда амалга оширишда «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуннинг қўл келаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Айни шу қонун яратган имконият туфайли, унчалик оғир бўлмаган аксарият жиноятлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди. Агар илгариги Жиноят кодексида ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар жами 460 жиноят таркибидан 86 тасини ташкил этган бўлса, кейинчалик яна 110 турдаги унча оғир бўлмаган жиноятлар ҳам шу тоифага ажратилдики, эндиликда Жиноят кодексидаги жиноятлар таркибининг қарийб ярми (48,2 фоиз) ижтимоий хавф туғдирмайдиган жиноятлар сирасига киради.

Бундай туб ислоҳотлар, биринчи галда, тоталитар тузумдан бизга мерос бўлиб қолган иллатларни: жазолашни кенг кўламда қўллаш, жиноят содир этган шахснинг пушаймонлиги ёки унинг жабрланувчи билан муросага борганини инобатга олмаслик, зарарни қоплаш истагига бепарво қараш, мол-мулкини мусодара қилиш каби адолатсизликларни бартараф этишга имконият яратди.

Либераллаштиришнинг яна муҳим бир жиҳатини ҳам таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Маълумки, жиноят содир этган шахс маълум муддат жамияттдан ажратилади, у белгиланган тартибда жазо муддатини ўтайди. Албатта, бу муддатни ўтаб қайтган шахснинг турмушга қайта мослашиши осон кечмайди. Жиноят кодексининг 50-моддасига кўра, ижтимоий хавфи катта бўлмаган эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган шахс жазони манзил — колонияларда ўтайди. Колониялардаги шарт-шароит шундайки, жазони ўтаётган маҳкум доимий тарзда оиласи, ёр-биродарлари, қариндош-уруғлари билан муомала-муносабатда бўлиб туради. Демак, маҳкумнинг жазо муддатини ўташ чоғида жамият билан алоқаси узилмайди. Белгиланган муддатни ўтаб озодликка чиққан шахс оилавий турмушга, жамиятга тез мослашиб, ҳаётда ўз ўрнини топиб кетади. Бунда ҳам биз жиноий жазоларни эркинлаштириш замиридаги эзгулик ва инсонпарварлик тамойилларини кўришимиз мумкин.

Модомики, жиноий жазоларни либераллаштиришда кўзда тутилган улкан гуманистик мақсадлар ҳақида гапирганда жиноят қонунчилигидаги энг йирик қўшимча ва ўзгаришни таъкидлаб ўтмоқ жоиз. Бу ҳолат жиноят учун ўлим жазоси назарда тутилган жазо чоралари анчагина қисқартирилганида яққол кўринади. Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар жараёнида бу жазо тури жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш, агрессия, геноцид ва терроризм учун қолдирилди, холос. Шунингдек, Жиноят кодексининг 51-моддасига киритилган қўшимчага мувофиқ аёлларга, олтмиш ёшдан ошган ва ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга нисбатан ўлим жазоси қўлланилмайдиган бўлди. Жиноят кодексининг «Ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш» деб номланувчи янги модда билан тўлдирилгани ҳам жиноий жавобгарликни эркинлаштиришнинг яққол далилидир. Мазкур моддада кўрсатилган йигирма олтита жиноят биринчи марта содир этилганда, бунда айбдор ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан муросага борса, зарарни тўласа, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Хуллас, мамлакатимизда очиқ демократик жамият қурилаётган бир паллада суд-ҳуқуқ тизимида жадал ва изчил олиб борилаётган ислоҳотлар, биринчи галда, инсон ҳақ-ҳуқуқларини кафолатлаш, унинг ғурури, шаънини юксак тутишга қаратилгани билан ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этаётир. Қонунларимизда эзгулик, меҳрибонлик, кечиримлилик сингари инсонпарварлик тамойилларининг чуқур сингдирилиши ота-боболаримизнинг бағрикенглик анъаналарига, миллий қадриятларимизга хос ва мосдир.

Музаффар РАУПОВ,
Фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилояти судининг судьяси

Эътироф

ХИТОЙДА КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД ҲАЙКАЛИ ҚАД РОСТЛАЙДИ

Ўзбекистон Бадиий академиясига Хитойдан хушхабар келди. Тошкентлик таниқли санъаткор Равшан Миртожиев томонидан яратилган Камолиддин Беҳзод ҳайкали халқаро Чаньчунь ҳайкалтарошлик анжумани ташкилий қўмитаси томонидан қўллаб-қувватланди.

Қадди-қомати келишган, узоқ-узоқларга тикилган, қўлида эса қамиш-қалам тутган ўрта асрнинг буюк миниатюрачиси образи маҳорат ва истеъдод ила яратилганлиги кўриниб турибди. Куз фасли бошларида 2 метрлик бронза ҳайкал Чаньчунь шаҳрининг марказий боғига ўрнатилади.

Қадим-қадимлардан буён икки мамлакат ўртасидаги дўстлик, ўзаро манфаатли савдо-сотиқ ва маданий айирбошлаш анъанага айланиб қолган. Буюк ипак йўли орқали Хитойдан Самарқанд ва Бухорога чиройли чинни идишлар ва ноёб буюмлар билан карвонлар келарди. Бу карвонлар халқ усталарининг ажойиб ҳунармандчилик намуналари, парча ва зар толали кийимлари, ширинликлар ҳамда қанотли отлар билан орқага қайтишарди.

Юртимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгач, Ўзбекистон ва Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик янада мустаҳкамланиб бормоқда.

Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Равшан Миртожиевнинг асарлари фақат Тошкент ва Андижон, Бухоро ва Жиззах шаҳарларини безаб тургани йўқ. Унинг Бобур композицияси Швейцариянинг Лозанна шаҳрига ўрнатилди. Алишер Навоий ҳайкали эса Москванинг Добринин майдонини безаб турибди. Айтишадики, ҳақиқий ижодкор даврлар ва халқларни бирлаштиради. Ҳақиқатан ҳам шундай.

❖❖❖

Суратда: Равшан Миртожиев ўзининг янги асари ёнида.

Рустам ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат



Шарҳловчи минбари

АЛОҚАЛАР РИВОЖЛАНИШИГА УМИД БИЛДИРИЛДИ

Оммавий ахборот воситаларида хабар қилинганидек, жума куни Оқ уйда АҚШ Президенти Жорж Буш ва Фаластин бош вазири Маҳмуд Аббос учрашдилар.

Исроил — Фаластин можароларини бартараф этиш учрашув кун тартибининг асосий масаласи бўлди. Жорж Буш Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғида исроилликлар томонидан қурилиши мўлжалланаётган муҳофаза девори ҳақида алоҳида тўхталиб, бу муҳофаза девори эмас, балки муаммолар девори бўлишини уқтирди. Негаки, у ўзаро алоқаларда янги муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. «Бу девор агар қад ростласа, исроилликлар ва фаластинликларнинг ўзаро ишончига путур етказади» деди Жорж Буш учрашув якунига бағишланган матбуот анжуманида. Ушбу масалани шу ҳафта Исроил Бош вазири Ариэл Шарон билан муҳокама этишини билдирди. Маҳмуд Аббос бу борада АҚШ Президентини қўллаб-қувватлашини маълум қилди.

Аббоснинг айтишича, дейилади Ha'arets газетаси ахборотида, Исроил қамоқхоналарида сақланаётган фаластинлик маҳбусларни озодликка чиқариш, Фаластин етакчиси Ёсир Арафотнинг эркин фаолият юритишига имконият яратиш, Фаластин аҳолисининг эркин жойлашувини кенгайтириш масалалари ҳам музокара кун тартибидан ўрин олди.

Музокара сўнггида Фаластин автономиясига 20 миллион доллар миқдорида молиявий кўмак бергани учун Маҳмуд Аббос АҚШ Президентига миннатдорчилик изҳор этди. Унга жавобан Жорж Буш Америка молия ва савдо вазирлиги иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш борасида музокаралар олиб боражагини билдирди. «Мен шуни маълум қилаётганимдан мамнунманки, АҚШ ва Фаластин ўртасида ўзаро иқтисодий гуруҳ тузилмоқда. У Фаластин автономияси ривожини белгилаб, ишчи ўринларини ташкил этиш ва кенгайтиришни, хорижий инвестицияларни жалб этишни ўз ичига олади» деди Президент.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, Исроил Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғидаги икки шаҳардан ўз қўшинларини олиб чиқиб кетишни мўлжаллаб турибди. Шу ҳафта Исроил мудофаа вазири Шаул Мофаз Фаластин хавфсизлик хизмати бошлиғи Муҳаммад Дохлан билан учрашиб қайси шаҳарларни Фаластин маъмурияти назоратига бериш, қўшинни қачон олиб чиқиб кетиш борасида келишиб оладилар.

Исроил телевидениесининг биринчи канали маълум қилишича, Иерихон ва Калкилия шаҳарларидан Исроил қўшинларини олиб чиқиш ва бу шаҳарларни Фаластин ихтиёрига бериш Исроил маъмурияти диққат марказида турибди. Бироқ Фаластин томони эса Ёсир Арафот жойлашган Рамаллоҳ шаҳридан Исроил ҳарбийлари олиб чиқиб кетилишини талаб қилмоқда.

Бундан ташқари Исроил яна бир неча ён босишларга ҳам рози эканлигини билдирди. Жумладан, Ғарбий соҳилдаги 3 та асосий блокпостни бекор қилиш ва Фаластин транспорт воситалари бемалол ҳаракатланиши учун йўллардаги тўсиқларни очишни режаламоқда. Шунингдек, солиқ тўловлари учун Исроил томонидан йиғилган маблағнинг 72 миллион шекелини (16,5 миллион АҚШ доллари) автономия ҳисобига ўтказиш ва 8500 фаластинликка Исроилда ишлашлари учун рухсат бериш масалалари ҳам ҳал бўлиш арафасида.

Қисқаси, икки қўшни ўртасидаги муносабатларнинг илиши Яқин Шарқдаги вазият барқарорлашаётганидан даракдир. Фақат бу барқарорликка путур етказмаслик аввало уларнинг ўзларига, ақл билан юритажак ишларига боғлиқ.

Японияда яна зилзила

Японияда шанбага ўтар кечаси ва шанба кундузи бир неча бор ер силкиниши натижасида жабрланганлар сони 421 кишига етди. Киодо Цусин агентлиги хабарига кўра, 23 кишининг аҳволи оғир бўлиб, ҳозир улар шифокорлар назоратида, қолганларнинг эса жароҳати енгил.

Зилзила эпицентри Токиодан тахминан 300 километр шимолда қайд этилган. Шанба куни эрталаб Мияги ҳудудида юз берган ер силкиниши 6,2 балл магнитудага тенг бўлди. Натижада ҳаракатдаги поездлар темир йўл изларидан чиқиб кетди, ер ўпирилишлари юз берди, автойўлларда катта-катта ёриқлар пайдо бўлди, тахминан 100 мингга яқин уйда электр таъминоти издан чиқди. Хайриятки, зилзила оқибатида денгизда довул кўтарилмади, атом электр станциясида бирор-бир кор-хол юз бермади.

Эслатиб ўтамиз: май ойида Мияги ва Ивате ҳудудларида юз берган 7 балли зилзила натижасида 100 киши жароҳатланган эди.

ИРОҚ: «СУРУНКАЛИ ҚЎРҚУВ СИНДРОМИ»

Маълумки, ўтган сешанбада Ироқ шимолидаги Мосул шаҳрида Саддам Ҳусайннинг икки ўғли — Удэй ва Кусэй отиб ўлдирилган эди. Яқинда уларнинг жасадлари журналистларга намойиш этилди. Негаки, уларнинг ўлдирилганлиги ҳақидаги ахборот суратлари билан чоп этилган бўлишига қарамай, кўп журналистлар акаукаларнинг тақдири бундай якун топганлигига ишонмай, иккиланишаётган эди.

Намойишдан сўнг Reuters мухбири жасадлар ҳақиқатан ҳам Удэй ва Кусэйники эканлиги ҳақида хабар тарқатди.

Америка ҳарбийларининг маълум қилишича, бир неча соатлик отишмада ўлдирилган Удэй ва Кусэйларнинг юз тузилиши қайта тикланган. АҚШ қўмондонлиги томонидан ўтказилган илк экспертиза натижалари «Саддам Ҳусайн ўғиллари ўз жонига қасд қилган» деган гап-сўзларни инкор этмоқда. Ҳозир уларнинг жасадлари Бағдод аэропортидаги АҚШ армиясининг ўлиқхонасида сақланмоқда.

Associated Press агентлигининг Америка паталогоанатомлари берган манбаларга асосланиб хабар қилишича, уларнинг таналарида камида 20 тадан ўқ излари бор.

Шу кунларда тиббий экспертиза уларнинг ДНКсидан намуна олади ва анализ учун Вашингтонга жўнатади. Экспертизанинг сўнгги ҳисобот натижалари 4-6 ҳафтадан сўнг эълон қилинади.

Яна бир гап. Тикрит шаҳрида кичик қизи билан бирга яшаётган Ҳусайннинг хотини — Сожидани Америка изқуварлари жума куни сўроқ қилдилар. Маълум бўлишича, Саддам Ҳусайн ҳануз Ироқда яшириниб юрибди. Сожиданинг тўнғич ва ўртанча қизлари эса Бағдоддаги қариндошларникида яшамоқда. Бу ҳақда «Аз-Замон» газетаси хабар тарқатди.

Тикритда ўтказилган рейд натижасида бир неча киши қамоққа олинган. Улар орасида Саддам Ҳусайннинг шахсий хавфсизлигини таъминловчи махсус бўлинма вакили ҳам бор. Ҳозирча бу тансоқчисининг исми-шарифи ошкор этилмаяпти.

Ироқ билан боғлиқ яна бир янгилик шуки, Япония парламенти Ироқни қайта тиклаш ишларига ёрдам бериш учун мамлакат ҳарбий кучлари жўнатилишига имкон берувчи янги қонунни қабул қилди. Бу қонун лойиҳасини 4 июль куни Япония парламентининг қуйи палатаси тасдиқдан ўтказган эди. Шанба куни эса бу лойиҳа юқори палата томонидан ҳам қўллаб-қувватланди.

Киодо Цусин агентлигининг хабар беришича, Дзюнъитиро Коидзуми бошчилигидаги ҳукумат шу йил октябрдан кечиктирмай Ироққа ҳарбий контингент жўнатади. У Ироқ инфраструктурасини қайта тиклаш, тартиб-интизомни йўлга қўйиш, тиббий ёрдам кўрсатиш ишларига кўмак беради. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Япония контингентининг қуролли можароларга аралашиши тақиқланган. Негаки, Японияда амалда бўлган антиҳарбий Конституция бунга йўл қўймайди.

Шанба куни қабул қилинган Ироқ масаласи билан боғлиқ ушбу янги қонун 4 йил амал қилади. Агар бунга яна эҳтиёж сезилса, муддат яна шунча йилга узайтирилиши мумкин.

Аввалари Япония БМТ ҳаракати доирасида Мозамбик, Камбоджа ва Шарқий Тимор сингари мамлакатларга 1992 йилги махсус қонунга кўра тинчлик кучларини жўнатган. Айни дамда Ироқда БМТнинг тинчлик кучлари йўқлиги сабабли Япония ҳукумати янги қонун қабул қилишига тўғри келди.

Бугунги кунда Ироқ муаммолари анча мушкулликларни келтириб чиқармоқда. Айниқса, Саддам Ҳусайн даврининг асорати бўлмиш Ироқ халқи руҳиятидаги қўрқувни бартараф этиш...

Гап шундаки, Ироқ халқи руҳиятини кўтариш ва қўллаб-қувватлаш мамлакат соғлиқни сақлаш тизими олдида турган долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. АҚШ мудофаа вазири ўринбосари, соғлиқни сақлаш масалалари бўйича бош мутахассис Уильям Уинкенвердернинг Пентагонда бўлиб ўтган брифингда таъкидлашича, биринчи галда Ироқ халқи руҳиятидаги «сурункали қўрқув синдроми»ни даволаш лозим. Ана шундагина халқ руҳияти соғломлашади. Руҳияти соғлом халқ эса жаҳон айвонида ўзининг мустаҳкам ўрнига эга бўлишдан ташқари замон билан, дунё билан ҳамнафас, ҳамкору ҳамфикр одимлайди.

Шарҳларни Алимбек ТОШБЕК тайёрлади

Қадрият — ўзликни англаш

ФАРОБИЙДАН ФИТРАТГАЧА

ҚАЕРДАН КЕЛГАНИНГНИ ЯХШИ БИЛМАСДАН ТУРИБ, ҚАЕРГА КЕТАЁТГАНИНГНИ ҲАМ БИЛОЛМАЙСАН

Тиббиётдаги қомусий билимлар кашфиётчиси Абу Али ибн Синонинг «Жавоме илм ал-мусиқо» асари дунёдаги энг кекса дорулфунунлардан бўлмиш «Ал-Азхар» университетида кейинги минг йил давомида зарур дарслик сифатида ўқитилиб келинмоқда.

Асар 1956 йил Миср давлати Таълим вазирлиги томонидан нашр қилинган. Бутун дунёга маълуму машҳур ушбу асар математика фанлари туркумининг асосий таснифи ҳисобланган «Жавоме илм ал-мусиқо», яъни товушлар ҳаво бўшлиғидаги ҳаракатининг тартибли-субстаник нуқталари ўрнини овозлар арифметикаси жадваллари ёрдамида тўғри ҳосил қила олиш илмини ўргатувчи ягона асардир. Шунинг учун ҳам у ўша даврдан бошлаб мадрасаларда толиби илмларга асосий назарий фан сифатида ўргатиб келинган. Китоб негизини ташкил этувчи назария ва уни амалиётга олиб кириш муаммоларини ўрганиб, арифметик формулаларни илмда қўллаш инсоният тақдирида муҳим роль ўйнади.

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки давридан бошлаб шу йўналишда олиб борилаётган илмий тадқиқотлар давомида математикага оид кўплаб манбалар қаторида «Жавоме илм ал-мусиқо» асари ҳам тадқиқ этилди. Унда Ватанимиз илм-фанининг бугуни ва эртасига дахлдор муҳим жиҳатларга жавоблар мавжудки, маданий-маънавий тараққиётнинг рамз-услублари, ўзига хос йўл-йўриқлари жадваллар асосида кўрсатиб, асослаб берилган.

Кейинги юз йил давомида, хусусан, собиқ иттифоқ даврида олим фақатгина табиб сифатида талқин этиб келинди. Бу бебаҳо асар эса бутун Шарқу Ғарбда муҳим манба сифатида ҳаётий амалларга айланиб улгурган эди.

Асарда олим ўзидан олдинги ўтган Абу Наср Фаробийга таъриф бериб, унинг фан тарихида қолдирган беқиёс хизматларини юксак баҳолайди. Аллома мусиқа таълимотига оид фикрларини баён қилар экан: «...Мусиқа илми математика фани бўлиб, тартибли оҳангдаги товушларнинг бир-бирига кетма-кет мувофиқ ёки номувофиқ жойлашиши устида баҳс юритади», дейди.

Биз узоқ йиллардан буён тадқиқот олиб бораётган «Тартибли товушлар ҳамоҳанглиги арифметикаси» — «Таълиф» назариясига изоҳ берар экан, у ёзади: «Синоатул мусиқия асосан икки жуз (қисм)дан тузилмишдир. Биринчи жуз «Таълиф» асосан бўлиб — «иттиҳод», «иттифоқ», яъни товушлар тартибининг бир-бирига мукаммал бирикиши, энг тўғри фикр натижасига эришиш ва бунинг акси: «ифсод», «танаффур», яъни бузилиш, товушларнинг тартибсизлиги, нафрат ва жирканиш ҳолатларини аниқлаб беради.

Ибн Сино баён қилган иккинчи жуз «Иъко» назарияси бўлиб, усул (ритм) тартиблари ва ҳолатларини ўргатади. «Таълиф» мантиқан инсонга шундай сифат берадики, бу қонун асосида у хулоса чиқаришда хатолардан сақланиб қолади. Унинг ёрдамида ҳақиқий билимни кераксизидан ажратади, яна ўзи учун кўп номаълум керакли билимларни ўрганади.

Рисолада мусиқа илмини тўғри ривожлантириш услублари, товушлар тартиби ва назарияси илмий жиҳатдан тўла асослаб берилган. Ибн Сино мазкур асарни яратишда тарих саҳнида юз бераётган турли сиёсий воқеалар сабаб Арасту ва Афлотун каби антик давр даҳоларининг тўхтаб қолган қарашларини илмий тамойилга киритиш учун қатор тажрибалар ўтказиб, назарий илмларни ривожлантиришда асоссиз, кўр-кўрона тадқиқотларга чек қўйиш лозимлигини баён этади.

Аллома товушлар тартиби арифметикасига оид «Нутқ товушларининг ҳосил бўлиш сабаблари» номли асарида, инсон талаффузидаги оҳангдошлик тартиби барча замонларда ҳам долзарб масала бўлиб қолиши, фонетик қоидаларни тўғри ҳал этишда эшитиш, кузатиш, қиёслаш услублари энг диққатга сазовор эканлигини уқтиради.

Асарда тарихий маконлар ҳам бир-биридан тубдан фарқ қилиши, ҳатто Шарқ билан Ғарб ўз илмий қарашларига кўра ўзгача хусусият-характерга эга эканлиги эътироф этилади. Унинг оламшумул кашфиётларидан бири — тартибли товушлар арифметикаси илмининг шифобахшлик хусусиятларини амалий тажрибада синовдан ўтказиб, мусиқа орқали таъсир этиш ёрдамида юрак, қон-томир, асаб хасталикларини муваффақият билан даволаш йўлларини ишлаб чиққанидир.

Буюк аллома бу асари билан Шарқда «иккинчи Арасту» деб ном олган Абу Наср Фаробийнинг ўлмас ишини давом эттириб, уни янада юксалтирди. Фан, маданият, санъатнинг мусиқа билан боғлиқ барча турлари айнан шу қонуният асосига қурилишини исботлади. Математика илмининг тўрт таснифини ўзлаштирмасдан туриб ҳар бир нарсани ўз жойига қўйиш илмини эгаллаб бўлмаслигини ўргатди.

Ҳар бири тартиб рақамларга тўғри туширилган товушлар бирикмасидан ҳосил бўлган куй-қўшиқнинг маънавий қудрати инсонни жасоратга, мардонаворликка, дунёни англаш, ҳаётни очиқ қалб билан ҳис қилишга, тилак-истакларни амалга ошириш сари умид уйғотади. Ушбу асар ҳам тарихнинг кўпгина синовларига дуч келди. Дарбадарлик, қатағонларни бошидан кечирди. Мустабид тузум, ундан олдинги талотўп йилларда назардан четда қолди.

Халқимизнинг узоқ тарихга эга миллий мусиқа мероси негизида санъатимизни дунёвий даражага кўтариш, ривожлантириш, унинг барча жабҳаларда олий мақомга эришишининг ягона йўли — Ибн Синонинг хронософик товушлар тартибини рақамлар билан ўлчаб берувчи жадвалларидир. Чунки бу жадвал, орадан минг йил ўтибдики, бутун дунёда айнан шу вазифани муваффақият билан уддалаб келмоқда.

Ўтмишимизга назар солсак, Фаробийдан — Фитратгача бу муҳим назария амалига қатъий риоя қилиб келинган. Шу ўринда Абдурауф Фитратнинг 1928 йил Самарқандда илк бор санъатшунослик олийгоҳи очилишидаги маърузаси диққатга сазовордир. Унинг фикрича, ўша даврда Ибн Сино жадвалини мукаммал биладиган биргина олим бўлиб, иқтидорли болалар унинг қўлига топширилмас, таълим олиш учун зарур шароит яратилмас экан, унинг тадқиқ этилиши, оммага етказилиши аросатда қолаверади. Фитратнинг санъат келажаги ўйлаб айтган бу фикрларини салкам бир аср мобайнида амалга оширишнинг имкони бўлмади. Барча фанлар қатори санъат ҳам боболар меросидан узиб қўйилди. Унинг ўрнини эса миллий қадриятларимизга ёт, ўзга ғоялар билан тўлдиришга уринишди.



Ўзбекистон барқарор ривожланиш сари дадил қадам қўяётган экан, бу йўлда боболаримиз мероси орқали етиб келган қадриятлардан амалда фойдаланишга ўтиш вақти келганлиги кундан-кунга ойдинлашиб бормоқда. Бугунги кунда халқимизнинг гўзал санъатини дунё оммасига намойиш этаётган санъаткорларимиз ижроларини барча халқлар жон-дилдан тинглаётганларида нафақат Шарқ, балки Ғарб мамлакатлари ҳам биздан юз йиллар илгариёқ алломанинг бу қимматли мероси билан таниш бўлганлигини кўриш мумкин.

Мустақиллигимизнинг ўн икки йиллиги арафасида санъат аҳлига кўрсатилаётган ғамхўрликка амалий жавоб тарзида боболар меросига янада теранроқ назар ташласак фойдадан ҳоли бўлмасди.

Бугун олимларимиз томонидан олиб борилаётган тадқиқотларнинг бош мақсади — анъаналар сақланиб қолишига эришишдан иборат бўлмоғи, ёшларимизга миллий қадриятларимизнинг қадим қирраларини англатмоқлари зарур.

Бинобарин, келажак авлодлар тараққиёт чўққиларини эгаллашида боболаримизни юксаклик томон элтган зиналарни босиб ўтишлари, излар ёнма-ён босилмоғи керак.

Хол Муҳаммад ОЛИМЖОНОВ

КОИНОТНИ КЎЗЛАГАН ЙИГИТЧАЛАР

КЕЧА ТОШКЕНТДАГИ ХАЛҚАРО АЭРОКОСМИК МАКТАБДА 15-МАВСУМ ОЧИЛДИ

Юлдузлар кичик академияси деб ардоқланадиган бу мактабда ёз ойлари анъанага кўра иқтидорли ўсмирлар коинотни забт этиш сирлари билан боғлиқ илмий-амалий машғулотларда иштирок этадилар. Бу сафарги мавсум кўпроқ коинотга илк марта қадам қўйган биринчи аёл Валентина Терешкова парвозининг 40 йиллиги, Ўзбекистон Фанлар академиясининг 60 йиллиги ҳамда жаҳон авиациясининг 100 йиллигига бағишланмоқда.

Ўтган 15 йил мобайнида Халқаро аэрокосмик мактаб ўзига хос эътибор тоғди. Мактаб жамоасини Американинг НАСА ҳамда Европа космик агентликлари қўлламоқда. Бу мактабда Ўзбекистон ўғилқизлари қатори Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркия, Польша, Покистон, Малайзия каби мамлакатлардан ташриф буюрган ёшлар коинот забткорлиги билан боғлиқ илмий-амалий машғулотларда қатнашдилар. Коинот билан алоқа боғлаш, турли мураккаб учиш аппаратлари билан танишиш ёшлар учун муҳим аҳамият касб этмоқда. Навбатдаги мавсумнинг очилишига бағишланган маросим Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳайъат залида ўтказилди. Бундай тадбирга «Зептер интернэшнл» қўшма корхонаси ҳамда Россиянинг Ўзбекистондаги хориж билан алоқа маркази ваколатхонаси яқиндан кўмак бермоқда. Машғулотларда академик Беҳзод Йўлдошев, Шуҳрат Воҳидов ҳамда космонавт учувчи Владимир Жонибековлар билан суҳбат уюштириш режалаштирилган. Шунингдек, тадбир доирасида ёшлар ясаган турли ракета-самолёт моделлари, коинотга бағишланган фотосуратлар кўргазмаси ташкил этилади. Бир сўз билан айтганда, бўлажак коинот забткорлари билан учрашувга биринчи ўзбек космонавти Солижон Шарипов ҳам таклиф этилган.

Шаҳобиддин ЗАЙНИДДИНОВ

Спорт

«Босфор» халқаро турнирида



Истанбул (Туркия)да кураш бўйича «Босфор» 1-халқаро турнири бўлиб ўтди. Унда мезбонлардан ташқари, Эрон ва Ўзбекистон полвонлари ҳам ғолиблик учун курашдилар.

Беллашувларда ҳамюртларимиз Акмал Усанов ҳамда Иброҳим Каримовлар Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, Акмал Усанов ўз вазн тоифасида (81 кг.) турнирнинг бош совринини қўлга киритган бўлса, Иброҳим Каримов (+90кг.) эса шоҳсупанинг иккинчи поғонасидан жой олди.

Суратда: **турнир ғолиблари Акмал Усанов (ўнгда) ва Иброҳим Каримовлар. Рашид ГАЛИЕВ олган сурат**

Ҳикматли сўзлар маъноси

Жалада қолган — ёмғирдан қўрқмас

«Тегирмонда туғилган сичқон момақалдироқдан қўрқмайди». Мазмуни: «Илгари қаттиқ қийинчиликлар кўрган одам унча-мунча қийинчиликдан қўрқмайди, чидайди, бардош беради» дейилмоқчи.

Жанжалли жойда жағингни очма

Мазмуни: «Олаговур, жанжал бўлиб турган, бировнинг гапи бировнинг қулоғига кирмайдиган жойда жағингни очмай, жим ўтир, гап талашаётган, жанжаллашаётган одамларнинг гапига аралашма. Акс ҳолда ўзинг улардан қаттиқ-қурум гап, сўкиш эшитиб, ҳатто мушт еб қоласан», дейилмоқчи.

Жафо чекмаган — сафо қадрини билмас

(Сафо — ёруғлик, рўшнолик, равшанлик, хурсандлик). Мазмундоши: «Зимистон кўрмаган бул-бул — гулистон қадрини билмас» (зимистон — қиш; қоронғилик; мажозан; қийинчилик, қаттиқчилик.) Мазкур мақолларни «қийинчилик кўрмаган, бошига оғир кунлар тушмаган одам яхши кунларнинг қадрига етмайди, қадрини билмайди ҳам», деган маънода қўллайдилар.

Энциклопедиянинг янги жилди

(«Туркистон-пресс» мухбири И.Эгамқулова хабар қилади.) Ўзбекистон Миллий энциклопедиясининг бешинчи жилди нашрдан чиқарилди. У ўзида 3 минг 600 дан ортиқ мақола ва маълумотларни қамраб олган.

Мазкур энциклопедиянинг бешинчи жилди 500 нафардан ортиқ фан арбоби, олим ва ижодий ходимларнинг меҳнатлари самараси ўлароқ дунё юзини кўрди. Мазкур жилдда ижтимоий ва гуманитар фанлар салмоқли ўрин тутади. Айниқса қулолчилик, меъморчилик, маросим қўшиқлари ва мақомга бағишланган йирик мақолалар китобхон эътиборидан четда қолмайди. Шунингдек, нашрда тил ва адабиёт, матбуот, дин, фалсафа, ҳуқуқ ҳамда табиий фанларга ҳам кенг ўрин берилди.

Шу кунларда миллий энциклопедиямизнинг олтинчи жилди ҳам нашрга тайёрланмоқда. Жами 12 жилддан иборат энциклопедияни нашрдан чиқариш ишлари 2005 йилда тугалланиши кўзда тутилган. Ушбу йирик қомусий нашр 50 мингдан ортиқ маълумотни ўз ичига қамраб олади.

Обод маҳалла — мамлакат кўрки

Қариси бор уйнинг париси бор дейдилар. Албатта, қаердаки кексалар бор экан, ўша ерда қут-барака, тотувлик, аҳиллик мужассам бўлади. Зеро, кексаларнинг ўгити ёшларга ҳар доим ибрат бўлиб келган. Сурхондарё вилоятининг Денов шаҳридаги «Бобур» маҳалласида истиқомат қилувчи Раҳима ая Каримова ҳамда Ўроқ ҳожи Тангриқуловлар пиру бадавлат отахону онахонлар бўлиб, бугунги кунда улар 20 дан ортиқ невара, 10 дан ошиқ чеваралари қучоғида фаровон ҳаёт кечириб, қарилик гаштини сурмоқдалар.

Суратда: Раҳима ая ва Ўроқ бобо невараси Сарвиноз билан.

Абдурасул ПАРДА олган сурат

Интер-спорт

Сурат учун жарима

Россиялик таниқли теннисчи Анна Курникова нуфузли «Penthouse» журналидан «ўчи»ни олди, деган гап тарқалди. Боиси, теннисчи билан журнал ўртасида чиққан ихтилофни ҳал этиш масаласи қарийб бир йил муҳокама бўлди.

Гап шундаки, журналнинг 2002 йил июнь сонида теннисчининг ярим яланғоч ҳолатдаги сурати эълон қилинган эди. «Ҳайтовур, ҳамма масалалар томонларнинг ўзаро келишуви асосида ҳал этилди», дейилади журналистларга тарқатилган маълумотномада. Аммо Анна сурат эълон қилинган кунидаёқ журнални ҳудудий судга берган. Лос-Анжелесдаги бу суд масалани атрофлича ўрганиб, суратдаги тасвир Курникова эмаслигини исботлади. Шунга қарамай, журнал Аннага етказилган маънавий зарар учун 10 миллион доллар тўлаши лозим. Курникова эса айни кунларда мусобақаларда кам қатнашмоқда. У реклама ва суратларга тушиш бўйича йилига 13 миллион доллар ишларкан. Журнал томонидан бериладиган товон пули эса теннисчи учун ортиқчалик қилмайди.

Олимпиадага асосий даъвогар

Машҳур сузувчи Александр Попов Барселонада ўтказилган жаҳон биринчилигида бир йўла учта олтин медалли бўлди. Айниқса, унинг ўзи севган 50 метрли масофага эркин усулда сузишни ўрнига қўйиши олқишланди. У рақиблари Питер ван ден Хугенбанд, Ян Торп ва Лени Крайзельбурглардан ўзиб кетди.

Александрнинг мураббийлари Барселона мусобақасини Афина олимпия ўйинларига тайёргарлик босқичларидан бири деб қарашмоқда. Демак, Попов олимпия ўйинларига асосий даъвогарлардан бўлиб, 100 ва 50 метрли масофаларда маҳорат кўрсатиши мумкин бўлган сузувчилардан саналмоқда.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Matnazar ELMURODOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar
Ikromjon ISMOILOV
Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 602
8283 nusxada bosildi
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.00
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA